



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТган “МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯГОНА ТАРИХ ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам Енча жаноблари!  
Қадрли Могерини хоним!  
Ҳурматли ташқи ишлар ва-  
зирлари, халқаро ташкилот-  
лар ҳамда дипломатик мис-  
сия раҳбарлари, конферен-  
ция иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!  
Марказий Осиё минтақаси-  
да хавфсизлик ва барқарор  
ривожланиш масалаларига  
бағишланган халқаро конфе-  
ренциянинг барча иштирок-  
чилари ва меҳмонларини са-  
ховатли Ўзбекистон замини-  
да, қадимий Самарқанд ша-  
ҳрида самимий кутлайман.

Бирлашган Миллатлар  
Ташкилоти ва шахсан Бош  
котиб **Антониу Гутерриш  
жанобларига** мазкур форум-  
ни ўтказиш ташаббусини  
қўллаб-қувватлагани учун  
алоҳида миннатдорлик бил-  
дираман.

Ушбу залда Марказий  
Осиё мамлакатлари ташқи  
ишлар вазирлари, Россия,  
Хитой, АҚШ, Европа мамла-  
катлари, Япония, Туркия,  
Эрон, Ҳиндистон, Покистон,  
Афғонистондан ташриф бу-  
юрган юқори мартабали меҳ-  
монлар, Мустақил Давлатлар  
Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳам-  
корлик Ташкилоти, Европада

хавфсизлик ва ҳамкорлик  
ташкилоти ва бошқа халқаро  
ҳамкор ташкилотлар вакилла-  
рини кўриб турганимдан  
мамнунман.

Ҳурматли конференция  
иштирокчилари!

Бугунги Форумнинг нечоғ-  
ли муҳим ва долзарблиги  
унинг “**Марказий Осиё:  
ягона тарих ва умумий ке-  
лажак, барқарор ривожла-  
ниш ва тараққиёт йўлида-  
ги ҳамкорлик**” деб номла-  
нишидан ҳам яққол кўриниб  
турибди.

Бизнинг минтақамиз халқ-  
ларини минг йиллик қардош-  
лик ва яхши қўшничилик риш-  
талари боғлаб туради. Биз-  
ни тарих, дин, умумий мада-  
ният ва анъаналар бирлаш-  
тиради.

Евроосиёнинг “юраги”да  
жойлашган минтақамиз Ев-  
ропа ва Яқин Шарқ, Жану-  
бий ва Шарқий Осиёни боғ-  
ловчи кўприк бўлиб, Россия  
ва Хитой сингари йирик дав-  
латлар билан чегарадош-  
дир.

Минтақамиз табиий ре-  
сурсларга бой, бу ерда  
қўллаб мамлакатлар ва бу-  
тун минтақалар ривожига се-  
зиларли даражада таъсир

кўрсатган ноёб маданият ва  
тараққиёт салоҳияти мавжуд.

Айни пайтда Марказий  
Осиёда қудратли давлатлар-  
нинг манфаатлари кесишмоқ-  
да, беқарорлик ва қарама-  
қаршилиқ ўчоқларига туташ  
бўлган ушбу минтақа яқин ва  
узок хорижда рўй бераётган  
барча салбий жараёнлар таъ-  
сирини ҳис этмоқда.

Табиий савол туғилади:  
**минтақадан вазият қандай  
ривожланади?**

**Бу ерда қандай куч ус-  
тун келади — низо ва қара-  
ма-қаршиликларми ёки  
ҳамкорлик ва тараққиётми?**  
Умумий аҳолиси **70 мил-  
лиондан** ортиқ бўлган мин-  
тақамизнинг келажаги бугун-  
ги кунда Марказий Осиёнинг  
ҳар бир давлати томонидан  
барпо этилмоқда.

Бизнинг қатъий ишончи-  
мизга кўра, амалий ҳамкор-  
ликка тайёрлик ва унга ас-  
тойдил интилиш, шунингдек,  
барча Марказий Осиё мам-  
лакатларининг умумий кела-  
жак учун масъулиятни ҳис  
этиши минтақанинг барқарор  
ривожланиши ва фаровонли-  
гининг мустақам пойдевори  
ва қафолатидир.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АНЖУМАННИНГ ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь кунин Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилаётган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро анжуманда иштирок этган Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини, Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф ва Туркия иқтисодий вазири Нихат Зейбекчи билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.*

Европа иттифоқининг Олий вакили билан учрашувда конференциядаги иштирок ҳамда «Европа иттифоқи — Марказий Осиё» Вазирлар учрашуви Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси қабул қилинганнинг 10 йиллигида ўтказилган Европа иттифоқининг минтақамизга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат бериши қайд этилди.

Европа иттифоқи асосий ҳамкорларимиздан бири бўлиб, Ўзбекистон Европа иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама янада мустақамлашнинг қатъий тарафдори экани таъкидланди.

Учрашувда Европа билан кенг қамровли алоқаларни кенгайтириш борасида сезиларли натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Европа иттифоқи билан шерикликни инвестиция, савдо, молиявий-техникавий ҳамкорлик, таълим ва бошқа қатор йўналишларда илғор тажриба ва технологиялар алмашиш соҳасидаги амалий мазмун билан бойитиш томонлар учун манфаатли эканига эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ МИНТАҚАНИНГ УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Самарқанд шаҳрида 10 ноябрь кунин БМТ шафелигида «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро конференция бошланди.*



Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёни барқарор ва иқтисодий ривожланган минтақадан ай-

лантириш, улкан ҳудудда тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақамлаш бўйича долзарб ташаббусларни илгари сурди.

(Давоми 4-бетда.)

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь кунин Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди.*

Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу мажмуа қошида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда.

Президентимиз Имом Бухорий мажмуаси, халқаро илмий-тадқиқот маркази ва ҳудудда жойлашадиган бошқа инфратузилма иншоотлари концепцияси билан танишди.

Мажмуа ҳудудидан чойхона, савдо шохобчалари, фаввора ва бошқа зарур объектлар қуриш режалаштирилган. Икки ён томонда ландшафт дизайни асосида маҳаллий шароитга мос бутазор ва гулзорлар ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари марказ концепциясида зиёратчиларга қулайликлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

(Давоми 3-бетда.)



2017-yil 11-noyabr, № 90 (9051)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТГАН "МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯГОНА ТАРИХ ВА УМУМЙй КЕЛАЖАҚ, БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК" МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

Бу Марказий Осийдаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан, биз фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувларни "халқ дипломатияси"нинг энг муҳим востиси сифатида ривожлантириш тарафдоримиз.

Оддий ва очиқ инсоний мулоқот — минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осийдаги долзарб масалаларни мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини умумий масъулият тамойили асосида бирлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин, деган фикримга, ўйлайманки, сизлар ҳам қўшиласиз.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг амалга оширилиши Марказий Осий мамлакатлари давлат раҳбарларининг ўзаро масъулиятлари бўйича учрашувларни мунтазам ташкил қилиш имконини яратган бўлар эди.

Бизнинг бу борадаги ёндашувларимиз бугунги кунда минтақада умумий муаммоларни ҳал этишнинг йўлларини биргаликда излаб топишга реал зарурат мавжуд эканини англашдан келиб чиққан ёндашувдир.

Бу ёндашув Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Марказий Осий мамлакатлари ташки ишлар вазирларининг баёнотларида ҳам ўз ифодасини топан.

Бу ўринда гап Марказий Осийда янги халқаро ташкилот тузиш ёки ўз устави ва миллий давлат органларидан устун турадиган интеграциялашув соҳасида қандайдир тузилма ташкил этиш ҳақида кетмаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Минтақавий мулоқотларимиз фақат минтақамиз тараққиётига оид ҳал қилувчи масалалар юзасидан фаолиятимиз йўналишларини келишиб олишга йўналтирилган.

Бугунги конференциямиз якунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида Марказий Осий минтақасидан тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир махсус резолюция қабул қилиш ҳақида мурожаат қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бундай резолюциянинг қабул қилиниши БМТ ва бутун халқаро ҳамжамият томонидан амалий мулоқотни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида бизнинг давлатларимиз олиб бораётган саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлур эди.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Марказий Осий — бу ҳақиқатдан ҳам ноёб имкониятлар ва ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият ва имкониятларга эга бўлган минтақадир.

Минтақада мустаҳкам тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш — бизнинг тўлиқ эриша оладиган муштарак вазифамиздир.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги конференциямиз ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиб, ҳал қилувчи аҳамиятга эга вазифаларни амалга ошириш, барчамизнинг "Марказий Осий" деб аталадиган умумий дёримизда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янги гоҳ ва тақлифларни илгари суришга хизмат қилади.

Форумнинг барча иштирокчилари ва меҳмонлари иш фаолияти самарали бўлишини, азим Самарқанд шаҳрида уларга яхши кайфият ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИНГ ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқаро ва минтақавий, хусусан, Марказий Осийда сиёсий ишонччи мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Европа иттифоқи делегацияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар билан таништирилди.

Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Жорий йил сентябрь ойида Остона шаҳрида ўтказилган Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ўтган олий даражадаги икки томонлама учрашув самаралари Ўзбекистон — Эрон муносабатларининг фаоллашувига хизмат қилгани мам-

нуният билан таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва иқтисодийнинг турли соҳаларида кооперацияни мустаҳкамлаш, минтақамизда самарали транспорт-коммуникация тармоғини барпо этиш белгиланган. Ўзаро манфаатли лойиҳаларни илгари суришда Ҳукуматларара қўшма комиссия муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Эрон ташқи ишлар вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Эрон Президенти Ҳасан Рухонийнинг эзгу тилаklarини етказди.

Туркия иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчи билан учрашувда шу йил 25-26 октябрь кунлари Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикасига давлат ташифи доирасида савдо-иқтисодий, ин-

вестициявий ва молиявий ҳамкорлик соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркиянинг етакчи компаниялари ва банklarининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилган ҳолда, энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, туризм тармоғини ривожлантириш, шунингдек, замонавий санъат корхоналари ва логистика марказлари барпо этиш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Нихат Зейбекчи Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Туркия Президенти Режеп Таййиб Эрдоғунинг самимий саломини ва энг эзгу тилаklarини етказди. Туркия олий даражада эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар тўла амалга оширилишининг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

ЎЗА

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу марказ ҳажага отланган зиёратчилар келиб, буюк алломаларимиз меконидан баҳраманд бўладиган илмий-маърифий маскан бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун зиёратчиларга ҳамма қўлайликларни яратиш, хусусий меҳмонхоналар барпо этиш лозим. Бу ерга зиёратга келган одамларнинг ибодат қилиши билан бирга, ҳадис илмини ўрганиши учун ҳам барча шароит яратилади. Лойиҳани амалга оширишда буни алоҳида ҳисобга олиш зарур. Келажақда ушбу марказ муқаддас динимизни, аждоқларимизнинг ҳадисшунослик ривожига қўшган беназир ҳиссасини тарғиб қиладиган маскан бўлиши лозим.

Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бугунги кунда маъмур марказ қурилиши жадал давом этмоқда. 6 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда ҳадисшунослик олий мактаби ҳам барпо этилмоқда. Марказ биносида ҳадис, қалом ва қироят илмини ўрганишга мўлжалланган хоналар, қўлёзмалар кутубхонаси, музей ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари марказ қурилишини замонавий ва миллий меъморлик аъналарини уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш, бунёдкорлик ишларида сифатли қурилиш материалларидан фойдаланиш, ҳудудда зиёрат туризмининг кенг йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан мутахассдиларга тавсиялар берди.

М.ЭМУРОДОВ,

ЎЗА муҳбири

## «ЕВРОПА ИТТИФОҚИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ» УЧРАШУВИ

Самарқандда Форумлар мажмуасида 10 ноябрь кuni «Европа иттифоқи — Марказий Осий» форматидан давлатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаси учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қозогистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳмонов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазири Рашид Мерезов, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сисёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини ҳамда Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича Европа комиссияси Невен Мимица учрашувда ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Ушбу форматдаги муносабатлар келажаги, минтақанинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари, минтақавий ҳамкорлик ва ҳавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунлари бўйича «ЕИ ва Марказий Осий» янада ҳавфсиз ва муваффақиятли келажақ йўлида ҳамкорлик қўшма комиссияси қабул қилинди.

Ташқи ишлар вазирликлари раҳбарларининг кейинги учрашувини 2018 йил Брюсселда ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Европа иттифоқининг Олий вакили Федерика Могерини оммавий ахборот воститалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

ЎЗА

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ МИНТАҚАНИНГ УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон изчил тинчликпарварлик сиёсати юригиб келмоқда. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришиш маросимидаги нутқида ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратишини таъкидлаган эди.

Бу мақсадлар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юригиб, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничлик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат chegarасини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Президентимиз илк давлат ташрифларини қўшни мамлакатларга амалга оширди. Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари давлат ташрифи билан Тошкентда бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси туфайли ишонч даражаси сезиларли ошди. Давлат chegarалари, савдо алоқалари, транспорт коммуникациялари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби кўпалак масалалар бўйича ўзаро манфаатли ечимлар топишга эришилди.

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади. "Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничлик ҳудудига айланшидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мuloқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроаса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз", деган эди давлатимиз раҳбари.

"Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида ўтаётган халқаро конференция шу

борадаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига мурожаат

қаро конференция кўп томонлама фикр алмашиш, ўзаро мувофиқ ёндашувлар ишлаб чиқиш ва минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг конференция иштирокчиларига

умумбашарий руҳ анжуманда яна бир бор ўз ифодасини топди. Бутун дунёдан келган сиёсатчилар, нуфузли экспертлар умумий келажак йўлида бирлашди.

Халқаро конференция шўба мажлисларида давом этди. Уларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқида билдирилган фикрлар, илгари сурилган долзарб ташаббуслар кенг муҳокама қилинди.



ЎЗА суратлари

йўллаб, унинг алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Анжуманда А.Гутерришнинг видеомурожаати намойиш қилинди.

БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини Марказий Осиё муҳим минтақа экани, бу ҳудуд барқарорлиги ва тараққиёти бутун дунёга таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳманов Қозоғистон Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-қувватлашини, хусусан, Остона шаҳри Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган Марказий Осиё давлат раҳбарлари маслаҳатлашувининг биринчи саммитини келгуси йил Наврўз байрами арафасида қабул қилишга тайёр эканини таъкидлади.

Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев ушбу конференция ўта долзарб масалаларга қаратилгани ва ўз вақтида илгари сурилганни қайд этди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари Марказий Осиёда дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақа тарихида янги саҳифа очишга хизмат қилишини таъкидлади.

Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сиروحиддин Аслов ушбу хал-

қутлови ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини етказди. Кучларни бирлаштириш халқларимизнинг умумий равиқига хизмат қилишини таъкидлади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Томас Греммингер, Туркия Республикаси иқтисодий вазири Нихат Зейбеччи, Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, Афғонистон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний, БМТ Бош котиби ёрдамчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Жихан Султаноглу, ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Панкин, Ҳиндистон давлат ташқи ишлар вазири Вижай Кумар Сингх, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман ва бошқалар сўзга чиқди.

Мазкур нуфузли конференциянинг Самарқандда ўтказилаётгани бежиз эмас. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган бу қўҳна шаҳар минг йиллар давомида турли миллатлар, динлар ва маданиятлар ўртасидаги мuloқот маскани бўлган. Бу

Энергетик салоҳият, ташқи ресурслар, транспорт-коммуникация имкониятларига эга Марказий Осиё улкан геосиёсий аҳамият касб этиши, бу минтақадаги жараёнлар бутун Евроосиё континенти барқарорлигига таъсир кўрсатиши таъкидланди.

Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда минтақа давлатларининг консенсус, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро англашувга асосланган муносабатлари ҳал қилувчи ўрин тутиши қайд этилди.

Бу борада мунтазам мuloқотни йўлга қўйиш, умумминтақавий муаммоларга биргаликда ечим топиш мақсадида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашувларини доимий ўтказиш тўғрисидаги ташаббус кенг қўллаб-қувватланди.

Анжуман иштирокчилари минтақа мамлакатлари ўртасида давлат chegarаларини делимитация ва демаркация қилиш борасидаги келишувларни ижобий баҳолаб, бу ишларни давом эттириш ва яқунлаш савдо, иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари вакиллари сув-энергетика ресурсларида минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга ол-

ган ҳолда рационал фойдаланиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш, унинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашиш тўғрисидаги ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ёшларнинг турли террористик ва экстремистик тузилмалар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилиши зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун жаҳолатга қарши маърифат билан курашим, ёш авлодни чуқур билим ва диний бағрикенглик асосида тарбиялаш лозимлиги ҳақидаги фикр маъқулланди.

Минтақада транспорт, туризм, фан ва технологиялар, маданият, спорт каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Конференция иштирокчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифни маъқуллади. Анжуман минтақадаги муаммолар ва истиқболдаги вазифаларни очик ва чуқур муҳокама қилиш учун қўлай имконият яратганини таъкидлади.

Конференциянинг биринчи кунда "Минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш", "Сувдан фойдаланиш ва экология соҳасидаги ҳамкорлик" мавзуларида шўба мажлислари ўтказилди. Мамлакатимиз ва хорижий олимлар, нуфузли экспертларнинг таҳлилий маърузалари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Форум 11 ноябрь куни ўз ишини давом эттиради. Унинг доирасида "Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш" ҳамда "Барқарор тараққиётга таҳдидларга қарши курашишда халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё мамлакатларига кўмаги" мавзуларида шўба мажлислари бўлиб ўтади.

Халқаро конференция якуни бўйича коммюнике қабул қилиниши режалаштирилган.

**Анвар САМАДОВ,**  
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**

2017-yil 11-noyabr, № 90 (9051)

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ТАРИХИ БИР, ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК ХАЛҚЛАР ДИЁРИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида Самарқандда ўтказилаётган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзuida халқаро конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, таълим ва иштинтиқчилар иштирок этмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро форумда сўзлаган нутқи иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

**Мирослав ЕНЧА, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси:**

— Бугун дунёдаги ҳеч бир давлат ўз муаммоларини ёлғиз ўзи ҳал эта олмайди. Ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик мамлакат бўлсин, биринчи навбатда, кўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиши, минтақа манфаатларидан келиб чиқиб халқаро муносабатларга киришиши лозим. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақада тинчлик ва осойишталик, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан илгари сурилган ташаббуслар эътиборга молик.

Бугун ҳам Шавкат Мирзиёев бу борада муҳим ташаббусларни ўртага ташлади. Минтақа давлатларининг икки томонлама ва хал-

қаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, транспорт-логистика тармоқларидаги алоқаларини янги босқичда давом эттириш юзасидан таклифлар билдирилди. Уйлайманки, бу фикрлар Марказий Осиё давлатлари томонидан қўллаб-қувватланади ва бунга БМТ ҳам ўз муносабатини билдиради. Хусусан, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳудуддаги давлатларнинг бу борадаги сазой-ҳаракатлари самарали амалга оширилишига ёрдам беради.

**Федерика МОГЕРИНИ, Европа иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти:**

— Шарқ ва Г'арбни бир-бири билан боғлашда Марказий Осиё минтақаси муҳим аҳамиятга эга. Мазкур минтақадаги давлатлар бугунги кунда Европа иттифоқи мамлакатлари билан барча соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга, бугунги шиддаткор



**So'z xalqaro konferensiya ishtirokchilariga**

замон ушбу алоқаларни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу, аввало, Европа иттифоқи билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақа давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлашда намоён бўлади. Шунингдек, глобал масалалар — иқлим ўзгариши, ёшлар радикализи, терроризмга қарши кураш, хавфсизликни таъминлаш борасида Европа иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилишга, уларни қўллаб-қувватлашга доимо тайёр.

Буюк ипак йўлининг чорраҳаси, Шарқ маданияти маркази деб эътироф этиладиган гўзал шаҳар — Самарқандда ташкил этилган мазкур халқаро конференция ҳам ушбу мақсадларга хизмат қилиши, энг муҳими, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаши билан тарихий аҳамият касб этади.

**Қайрат АБДРАҲМОНОВ, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири:**

— Қозоқ халқида шундай нақл бор — яхши кўшни оғайнидан афзал. Қозоғистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари билан ана шундай тамойил асосида ҳам-

корлик алоқаларни йўлга қўйган ва бундан манфаатдор. Биз келгусида ҳам кўшни мамлакатлар билан икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдоримиз. Кейинги пайтда бу борада Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг муҳим келишувларга эришганларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айниқса, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш бўйича ташаббусини Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев қўллаб-қувватлаб, биринчи учрашувни мамлакатимизда қабул қилишга тайёрлигини билдириди.

Бугунги халқаро форумда ҳам Ўзбекистон Президенти минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига алоҳида эътибор қаратди. Биз — Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазири бу ташаббусларни ҳаётга татиқ этишда фаол бўлишимиз зарур.

**ЎЗА мухбири  
Ғ.ҲАСАНОВ эзиб олди.**

## ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси институтида «Иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ривожланишида полимерлар ҳақидаги фан ва таълим интеграциясининг чуқурлашуви» мавзuida анжуман бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги, Фанлар академияси, Академия қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси институти томонидан ташкил этилган анжуманда мамлакатимизнинг етакчи олимлари, ёш тадқиқотчилар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари масъуллари қатнашди.

Тадбирда давлатимиз томонидан академик фаннинг мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантиришдаги ролини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-инновацион фаолиятини такомиллаштириш ва мавқеини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-

экспериментал лабораториялар, юқори технологияли марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимизнинг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз илмий-саноатнинг янада ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда илм-фаннинг ўрнини кучайтириш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оши-

риш, мамлакатимиз академик илм-фани ва олий таълим интеграциясининг мустаҳкамлашида муҳим дастуриламал бўлаётди.

Полимерлар ҳақидаги фан иқтисодиётнинг турли соҳаларида полимер препаратлар ва материалларни қўллаш билан боғлиқ бўлган соҳаларни қамраб олувчи замонавий йўналишлардан биридир. Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси институти ана шу йўналишда мамлакатимиздаги етакчи илм-фан даргоҳларидан биридир. Институт олимлари томонидан яратилган янги материаллар ва нанотехнологияларга оид илмий тадқиқотлар, ишланмалар аграр соҳа, тиббиёт, фармакология, полиграфия, энгил саноат ва тўқимачилик, автомобил-созлик, ишлаб чиқариш, саноатнинг кўплаб йўналишларида кенг жорий этилмоқда.

Фаннинг бир неча соҳаларини ўзида уйғунлаштирган полимерлар кимёси бўйича тадқиқотларни ривожлантириш жараёнида илк бор ўсимликларни кимёвий ҳимоялашда полимер препаратив воситаларни қўллашга оид фундаментал ва амалий таъсирли фоядаларга асос со-

линди. Ушбу технологиялар хавфсизлиги, ишончлилиги, экологик жиҳатдан тозаллиги билан халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилган. Узхитан препаратив ўсимликлар ўсишини жадаллаштирсан, полидеф препаратив пахта ҳосилининг ортиши, экин майдонининг экологик ҳолати яхшиланишида алоҳида аҳамият касб этади. Маҳаллий хомашё асосидаги интерферон воситаси грипп ва ўткир вирусли респиратор касалликларининг олдини олиш ва даровашда қўл келмоқда. Саноатнинг турли соҳалари учун термопластлар ва қатламли силикатлар асосидаги қийин ёнувчан, ўта юқори ҳароратга чидамли, термобарқарор нанокөмпозитлар синтези ва тадқиқотлари махсус хоссали полимер материаллар олиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

— Мамлакатимизда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар бугун янги босқичга кўтарилди, — дейди институт илмий котиби Абдумутолиб Отахонов. — Жорий йилда институтимиз билан «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Жиззахпластмасса», «Навоийазот», «Фарғонаазот» син-

гари йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида 2018 йил охиригача янги технологияларни етказиб бериш бўйича хўжалик шартномалари тузилгани бунинг амалий инъикоси сифатида кўрсатиш мумкин. Бугунги анжуман ишида ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам иштирок этгани истиқболда мамлакатимиз илм-фани ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига фаол татиқ этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Анжуманда фаннинг замонавий муаммолари, академик илм-фан ва таълимнинг интеграциялашуви, саноат корхоналари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти, Наманган ва Бухоро давлат университетлари олим ва тадқиқотчиларининг йигирмадан зиёд илмий маърузаси тингланди.

**Б.БОЗОРОВ,  
ЎЗА мухбири**

# Тил ва таълим муаммолари

## республика форуми иштирокчиларининг диққат-марказида бўлди

**Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 7-8 ноябрь кунлари ўқувчилар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, дарсларда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Тил ва таълим: муаммолар, истиқболдаги вазифалар» мавзусида филология фанлари ўқитувчиларининг республика форуми бўлиб ўтди.**



Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган форум таълим-тарбиянинг барча бўғинларида она тили ва адабиёт, ўзбек тили, қардош тиллар (қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз, тоjik, туркман), чет тиллар (инглиз, немис, француз), рус тили ва адабиётни фанларини ўқитишдаги долзарб масалаларга қаратилган бешта йўналишда иш олиб борди.

— Умумтаълим мактабларининг 5—9-синфлари учун «Она тили» ва «Адабиёт», таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2—9-синфлари учун «Ўзбек тили» дарсликларининг янги авлоди яратилди, — дейди Республика таълим маркази методисти Қимматхон Маматқулова. — Мактаб кутубхоналарини жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир намуналари билан бойитиш мақсадида ўтган йили бошланғич синф ўқувчилари учун 27 номдаги 847293 нусха китоб чоп этилди. Жорий йилда ҳар бир мактабга лотин алифбосида чоп этилган жами 1,2 миллион нусхада 28 номдаги нодир асарлар етказиб берилди.

Ўқувчилар оғзига ва ёзма баён кўникмасига эга бўлмай, айрим ҳолларда ўз она тилида равон сўзлаш, фикрини аниқ етказишга қийналади. Рус тилини ўқитиш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Умумий мониторинг натижалари кейинги йилларда ўқувчиларнинг рус тили фанини ўзлаштириш даражаси пастигини кўрсатди. Кутубхоналарнинг дарслик ва бадий адаби-

ётлар билан таъминланиши, ўқувчиларнинг муталаага қизиқиши ҳам талаб даражасида эмас. Мутахассислар, олимлар ва тренер ўқитувчилар ўтган маҳорат дарслари, яъни ва шўба йиғилишларида иштирокчилар филология фанларини ўқитишдаги шу каби муаммоларга ечим излашди.

— Ўзбек тили фанидан «Интерфаол таълим воситаларида тил ўргатиш жараёни самарадорлигини ошириш» мавзусида маҳорат дарси ўтдим, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ўқитувчиси Дилафрўз Ҳидоятлова. — Таълимни ташкил қилиш моделлари сифатида «Расмни қайтариб чиз», «Алифбо харфлари», «Тўрт тараф» методларида ўқитувчиларга самарали ўқитиш йўллари ўргатилди. Жумладан, таълимнинг лойиҳали, ўйинли, муаммоли, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида, креатив ва эвристик турлари намойиш этилди. Тренинг якунида ўқитувчилар диққатини «Билимлар дарахти»га жалб этган ҳолда «Мен ўзимга қандай методик ёрдам олдим? Қандай таклиф билдира оламанд?» сўровномасини ўтказдик. Ўқитувчилар соҳани тақомиллаштиришга доир фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришди. Масалан, ўқитувчилар инновацион лойиҳалар асосидаги оммалашган дарс тақдимотлари-

ни онлайн тарзда узатиш, масофавий тренинг машғулоти ўтказиш истагини билдиришди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидagi форумнинг иккинчи куни яъни йиғилиш билан бошланди.

Унда Халқ таълими вазир У.Иноятов сўзга чиқиб, ёшларни саводли қилиб тарбиялашда тил ва адабиёт таълимнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Синфхоналарнинг жиҳозланиш даражаси, дарслик ва кўшимча

адабиёти университетга бош илмий ходими, академик Бахтиёр Назаров. — Биз одатда бадий адабиётни ўқиш ва ўзлаштиришга эътибор қаратамиз. Бироқ ўқитувчи ўқувчини асар мавзусини эмас, маъносини тушунишга ўргатиб бориши керак. Китобхонликка рағбат йўғотилса, ўз-ўзидан болаларда китоб ўқишга иштиёқ ошиб боради. Масалан, «Энг кўп китоб ўқиган бола», «Энг кўп китоб ўқиган синф» каби танловлар, китоб марафони ўтказиш яхши самара беради.

Форумда фаол иштирок этган ўқитувчилар Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими аълочилиси» кўрак нишони ва фахрий ёрликлар билан тақдирланишди. Шундан сўнг иштирокчилар машғулотларни шўба йиғилишларида давом эттиришди. «Она тили ва адабиёт таълими», «Рус тили ва адабиёт таълими», «Чет тили(инглиз, немис, француз) таълими», «Қардош тиллар таълими», «Ўзбек тили таълими» каби мавзулардаги методик машғулотлар баҳс-мунозараларга бой бўлди. Жумладан, «Қардош тиллар таълими» мавзусидаги шўба йиғилишида қардош тилда таълим олаётган бошланғич синф ўқувчиларига бир вақтнинг ўзида ўзбек, рус, инглиз тилларини ўзлаштириш қийинчилик туғдириши айтилди. Қардош тиллардаги фанларни ўқитишда дарсликлар етишмаслиги ҳам асосий муаммолардан бири сифатида кўрсатилди.

адабиётлар етишмаслиги, янгича ёндашув асосида дарс ўтиш усулларини ўзлаштириш, ўқувчиларда зарур компетенцияларни шакллантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Китобхонлик маданиятига давлат миқёсида эътибор қаратиш жаҳоннинг бошқа давлатларида кам учрайдиган ҳолат, — дейди Алишер Навоий номидagi Тошкент давлат ўзбек тили ва

**«Қардош тиллар таълими» мавзусидаги шўба йиғилишида қардош тилда таълим олаётган бошланғич синф ўқувчиларига бир вақтнинг ўзида ўзбек, рус, инглиз тилларини ўзлаштириш қийинчилик туғдириши айтилди. Қардош тиллардаги фанларни ўқитишда дарсликлар етишмаслиги ҳам асосий муаммолардан бири сифатида кўрсатилди.**

### Камчиликларимизни ҳам англадик

Гулбахор АБДУРАХИМОВА,

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2017» республика кўрик-танловининг 3-ўрин соҳибни, Халқ таълими аълочилиси:



— Форум доирасидаги маъруза ва баҳс-мунозараларда ўзим ишлайдиган Бойсун туманидаги 33-мактабда ўзбек тили фанидан баҳолаш тизимида камчиликка йўл қўяётганимизни илғадим. Мисол учун, болани баҳолашда кўпинча ўқиб келган уй вазифасига қараб, «5» баллик тизимда баҳо қўйишга одатланганмиз. Шўба йиғилишидаги маҳорат дарсида эса ўқувчининг маданияти, кийиниши, ахлоқи, атрофдагилар билан муносабатига эътибор қаратиш зарурлиги ўргатилди. Форумда ўз таклифларимни ҳам билдирдим. Жумладан, 8-синфдаги «Олломош ва унинг турлари» мавзусидаги «Табиат ва биз» матнини Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ёки «Бемор» ҳикояси билан алмаштириб, ундаги олмош турларини аниқлаш шарти қўйилса, рус тилида таълим олаётган болаларни миллий менталитетимиз билан таништиришга ҳисса қўшилар эди.

### Форум менга куч бағишлади

Роза КЕНЖАБОВА,

Нукус туманидаги 17-мактабнинг қозoқ тили ва адабиётни фани ўқитувчиси:



— Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиги билан тақдирланганим менга ишонч ва масъулият юклатди. Пойтахтдан ўзгача кайфият ва иштиёқ билан қайтпаман. Ҳозирок мактабимга борсаму, ўрганганларимни ҳамкасбларимга етказсам, дейман. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, 45 дақиқа давомида кўпроқ маълумот беришни, методик усулларни ўз ўрнида қўллашни ўргандим. Масалан, менга «Инновацион усулларда сабоқ бериш технологияси» жуда маъқул бўлди. Унда бир вақтнинг ўзида «Нима учун?», «Нилуфар гули», «Балик скелети», «Каскад» каби методлардан фойдаланиб, ўқувчиларни зериктирмаслик йўллари кўрсатилди.

Қардош тиллардаги фанларни ўқитишда дарсликлар етишмаслиги ҳам асосий муаммолардан бири сифатида кўрсатилди.

— Дарсликдаги айрим хатолар бизни ҳам чағғитиб қўяди, — дейди Китоб туманидаги 1-ИДУМнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» республика кўрик-танлови гoлиби Дилноза Бердиева. — 6-синф «Она тили» дарслигидаги синтактик қонданнинг мазмунни бошқа синф дарслигида бутунлай бошқача берилган. Масалан, «Фейлларнинг муносабат шакллари» мавзусида «Фейлларнинг муносабат шакллари» феълларга қўшилиб, кесим сифатида шакллантирилади, уларга шахс-сон ва замон қўшимчалари кирди» деган қоида бор. Бу меъёр 8-синф дарслигидаги 110-машқда акс этиб, «Биз уйга қайтдик ва бирга дарс тайёрладик» гапни «Биз уйга қайтиб, бирга дарс тайёрладик» гапи билан солиштириш талаб этилган. Машқ шартида ушбу гапларни жуфтликлар мисолида қўшма гапларга ажратиш лoзимлиги айтилган. Иккинчи содда гапнинг «қайтиб» сўзи равишдош билан ифодаланган кесимлиги аён. Бу ерда кесимнинг ифодаланишини 6-синф дарслигида «Фейлнинг муносабат шакллари» эга бўлган феълларига гап-да кесим бўлиб келади» деган қоидага зид келаяпти. Бундай камчиликларга «Кўшимчалар», «Юклама-лар», «Вазифадош кўмакчилар» каби мавзуларда ҳам йўл қўйилган. 7-синф она тили дарслигида «гўё» сўзи юклама, 9-синфда эса богловчи сифатида келади. Бу нафақат ўқувчи, балки ўқитувчи учун ҳам муаммо туғдиради. Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидаги синов тестлари токи дарсликлар асосида тайёрланиб, ундаги ҳар бир қоида, гап, тиши белгиси инобатга олинар экан, дарслик ўта синчковлик билан ишланиши зарур.

Шўба йиғилишларида профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар ва малакали мутахассислар томонидан соҳадаги камчиликларни бартараф этиш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтган тренинг машғулотларида педагоглар интерфаол усуллар асосида билим бериш сир-асрорларини ҳам ўрганишди. Ҳар бир шўба йиғилишидан сўнг тегишли фанлар бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республика форумида юртимизнинг барча худудларидан илғор ўқитувчилар иштирок этгани филология йўналишидаги фанларни ўқитиш, машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги мунозаралар жойларда ҳам давом этишидан далolat.

**Гулoз ОРИФЖОНОВА, Шоира БОЙМУРОДОВА, «Ma'rifat» мухбирлари**

**В.ГРАНКИН олган суратлар.**







Шоҳиджон ҳар гал синфга киргач, саломлашувдан сўнг ўқувчиларнинг ҳолатини кузатади. Бугун ҳам шундай бўлди. Биринчи муаллимига ўрганиб қолган 5-синф ўқувчиларига турли фан таллавлари, ўқитиш услуби бир-биридан фарқ қилувчи мураббийларнинг дарсига кўникиш анча оғир кечаётганини сездди. Ҳали ўйинқарок, юқори синфга мослаша олмаган болалар ёзув тахтаси томон ҳадиксирганнамо термулиб турарди. Шоҳиджон ҳар қатордан биттадан ўқувчини тургазиб, дераза тоқчасидаги гуллар жойлашувига яхшилаб қараб олишларини сўради. Устоздан бу топшириқни кутмаган болаларнинг, табиийки, бирдан сергақланди. «Энди бир неча сония залга чиқиб турасизлар...» деди қайта-қайта гуллар томон мўралаб қўяётган уч «қахрамон»га муаллими. Улар чиққач, қолган ўқувчиларга гул таллавлари жойини тезда ўзгартириб қўйишни буюрди...

— Бошланғич ва юқори синф таълимини боғлайдиган занжирни мустаҳкам тутиб қолиш фан ўқитувчиларининг зиммасидаги муҳим вазифалардан бири, — дейди Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг тарих фани муаллими, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» республика кўрик-танловининг солиби Шоҳиджон Найимов. — Шу боис юқори синфга мослашув палласида ўғил-қизларимизда фанга қизиқиш уйғотишга алоҳида эътибор қаратаман. Хотирани чарқловчи, таълим муҳитини яратувчи машғулотларга кенг ўрин ажратаман. Чунки ўқувчида қилини кузатиш, бутун борлиги билан мавзунини «кириб кетиш» кўникмаси шакланмас экан, турли воқелиқлар, саналар билан боғлиқ тарих фани мавзуларини ўзлаштириш, ёдда сақлаш осон эмас.

2016 йили муаллим 5-синф «Тарихдан ҳикоялар» дарслиги асосида мавзулаштирилган тестлар тўпламини чоп эттиргани ҳам қўйи ва юқори синфлардаги боғлиқлик, давомийликни сақлаб қолиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан. Шунингдек, 2013 йили 7-синф ўқувчиси Сабина Худойқулваннинг билимлар беллашувининг республика босқичида

этилди. Лекин Шоҳиджон одатига кўра ўқувчиларга эътибор қаратилмаган жиҳатларни қамраб олувчи саволлар тузишни ва саёҳат давомида таништирувчи мутахассислар кўмағида уларга жавоб олиш ҳозирлигини кўришни топширади. Мақсади — ўқувчилар саёҳатда фақат томошабанди айланиб қолмасин. Излансин.

Саёҳат дarsлариди у қадимий обидаларнинг мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар бўлган хароба ҳолати ва бугунги қиёфасига алоҳида тўхталади. Ўртага муаммоли саволлар ташлаб,

сий вазифа — адабиётларда келтирилмаган жумбоқлар ҳақида мулоҳаза юритишни яна ўқувчиларнинг ўзига юклайман. Ҳар баён ортида «Нега?» деган сўроқнинг ташлиши уларни фикрлашга, муаммо ечимини излашга ундайди. Дейлик, кимдир «Қадимий Хоразм худудидаги қалъалар оддий лой, яъни, хом гишт ва паҳсадан бунёд этилган. Нима учун қурилишда айнан шундай материаллардан фой-

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



## Саёҳат дarsлари

ўқувчига кўриш, мулоҳаза юритиш, таққослаш, ёдда сақлаш имкониятини яратди

тарих фанидан фахрли биринчи, шу йили фан олимпиадасининг вилоят босқичида 9-синф ўқувчиси Жаҳонгир Исмадуллаевнинг биринчи, 2017 йили 9-синф ўқувчиси Саида Ҳожиёваннинг учинчи ўринни эгаллаши ҳам жонкуяр ўқитувчи ёшларнинг тарих фанига қизиқишини ошира олгани, сабоқларни чуқур эгаллашга замин яратгани маҳсулдир.

Ёш муаллим тажрибалари давомида саёҳат дarsларини уюштириш ўқувчиларнинг мавзуларни мукамал ўзлаштиришда муҳим ўрин тутишга бир неча бор амин бўлди. Унинг фикрича, бу усулда ташкил этиладиган сабоқлар олдиндан пухта ҳозирлаб кўриш дars мақсадида эришиш йўлидаги асосий қадамдир. Жумладан, у Самарқанд сафари арафасида ўқувчиларни замин сайқали, Шарқ гавҳари, дея таърифлашувчи шахар ҳақидаги маълумотлар билан атрофлича таништирди. Синфда Самарқанднинг ўтмиши ва бугунги кунини тасвирга олинган видеолавлар намоиш

қилди. Ўқитувчининг бундай мулоқоти ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини янада ошириш, истиқлолни янада мустаҳкамлашга муносиб улуш қўйиш ҳиссини қамол топтиришга хизмат қилади.

— Мураккаб мавзуларни ўзлаштириш ўқувчиларни анча толиқтиришни устоз педагоглар ҳам қайд этишсан. Аммо ана шундай ўринларда ҳам саёҳат дarsларига мурожаат қилиш дarsни мароқли машғулотга айлантиради, — дейди Шоҳиджон. — Масалан, айни кунда Хива хонлиги, афсонавий Хоразм воҳасининг қадимий обидалари, маданияти, санъатига доир билимларни ўқувчилар мукамал ўзлаштиришига кўмаклашиш ниятида ушбу масканга бориб, саёҳат дarsлари ташкил этиш тарадудидамиз. Сафар олдиндан ўқувчиларга кўна кент тарихи ҳақида умумий тасавурларни ҳосил қилиш мақсадида дarsлик ва электрон манбалардан фойдаланиб, тўшунча берарканман, асо-

даланилган?» деган саволга ургу берса, яна бир ўқувчи «Оқ шайх бобо» кузатув минораси нечанчи асрда бунёд этилган ва нима вазифани бажарган?» сўроғига жавоб излашга чорлайди. Бу каби саволларга ўзим жавоб беришим мумкин. Лекин ўқувчининг саёҳат давомида экскурсоводларга мурожаат қилиши, мутахассисларнинг уларга обида қаршида муфассал маълумот бериши уларнинг мулоқот маданияти ўсишига, билим хотирасида дунё қарашининг кенгайишига хизмат қилади.

— Албатта, ҳар бир синфда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар бўлади, — давом этади Шоҳиджон Найимов. — Хусусан, тарих фанида уларга хотиранинг сулғиғи панд беради. Демак, инсоннинг ҳар бир аъзоси эътибор, ғам-

хўрлик талаб этгани сингари хотира устиди ҳам ишлаш керак. Аксинча, ўқувчида ана шу хислатни қарор топтириб, тарбияламай туриб, фақат талаб қилавериш, уни фандан бездиради. Шу маънода, мавзуларни ўзлаштиришда қийналаётган ўқувчи билан мулоқот давомида хари-тадан фойдаланиш яхши натижа беради. Шундай кезларда, дейлик, ўқувчиларимга дунё харитасидан ўн та мамлакатнинг пойтахти, жойлашув ўринини топиш, эслаб қолиш, мавзуга дахлдор бешта савол тузиб келиб, кейинги дarsда синфдошлари ҳўкми ҳавола этиш сингари вазифаларни бераман. Уларни руҳлантираман. Бу ўндов ўқувчиларда изланиш, ўз устиди ишлаш кўникмасини шакллантиради ва мавзуларни ортиқча қийинчиликларсиз ўзлаштиради.

Дарвоқе, 2010 йили Навоий давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатиб, ушбу муассасада иш бошлаган Шоҳиджоннинг ўндан ортиқ шогирдлари тарих фани ўқитувчиси бўлишни ният қилмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Одатда дars ва дarsдан кейин ҳам мактаблар гавжум бўлади. Чунки ўқув машғулотлари тўғрақларга уланиб кетади. Аммо таътилда-чи? Бу вақтда ота-онаси ишлайдиган аксарият болалар уйда назоратсиз қолади, кўп ҳолларда кўчага чиқади. Эшик ортида уни нималар кутмайди дейсиз...



## Бола назоратсиз қолмаслиги керак

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби жамоаси бу муаммонинг самарали ечимини толган. Гап шундаки таълим масканинда «Кичик академия» деб номланган иқтидорли ўқувчилар уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун таътил вақтида ҳам ўқувчилар мактабдан аримайди. Ҳатто тушдан кейин келсангиз, ўқув-машғулот хоналари, кўтубхона, устахона, лаборатория, спорт залида тажрибали педагоглар, малакали мутахассислар, спорт усталари ўтказаятган қизгин машғулотларга гувоҳ бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таъ-

лими вазирлиги томонидан «Ихтисослаштирилган ўқув муассасалари тармоғини кенгайтириш ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг самарали механизмлари» мавзусида ташкил этилган семинарда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари директорлари, тажрибали ўқитувчилар ана шу тажриба билан ақиндан танишди.

Семинарда ихтисослаштирилган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, педагогларнинг касб маҳоратини ошириш, таълим жараёнига замонавий педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ил-

фор иш тажрибаларини оммалаштириш, таянч мактаблари ташкил этиш каби устувор вазифалар муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда вазирлик томонидан ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда 9 ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби, 39 умумий ўрта таълим мактабида анжк ва табиий, ижтимоий фанлар, хоржик тиллар, филология йўналишларида 100 дан ортиқ ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилди.

Семинар доирасида 300-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби иқтидорли ўқувчиларининг илмий-амалий ҳисобот фестивали ўтказилди. Ундаги кўй-қўшиқлар, рақслар гулдастасига ижодий ишлар кўргазмаси алоҳида мазмун бағишлади.

Кўргазмада табиат манзаралари, кўна обидаларимиз туширилган расмлар, миллий ва замонавий дизайндаги либослар, бежирим тўқилган буюмлар, кўплаб қизиқарли қурилмалар ўрин олган. Мактаб ўқувчиларининг шеър ва ҳикоялари чоп этилган матбуот нашрларини варақлай туриб, адабиётимизга янги истеъодлар кириб келаётганини англайсиз.

— «Кичик академия» мизнинг вазифаси ўқувчиларнинг дarsдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг иқтидори ва қизиқишларини эрта аниқлаб, илмий-ижодий салоҳиятини кучайтириш, китобхонликни тарғиб қилишдир, — дейди 300-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўринбосари М.Абдуллаева. — Унинг таркибида фан, ҳунар, спорт, санъат, драма, «Ёш журналистлар», «Зулфия» хоним қизлари, «Ёш китобхонлар» каби тўғрақлар ишлаб турибди. Машғулотларни жонли ва қизиқарли ташкил этишда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, музейлар, маданият масканлари билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Малоҳат ХУСАНОВА,  
ЎЗА мухбири

2017-yil 11-noyabr, № 90 (9051)

«Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом». Биз таъриф этмоқчи бўлган китоб шундай номланган. Муаллифи — Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. Шоир коса ва жом рамзлари орқали умрнинг ўткинчилигига ишора этади. Бу каби фалсафий мушоҳада «уч кун», «беш кеча» иборалари бағрига ҳам сингдирилган. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган ушбу китоб тўртлик ва иккиликлардан, шунингдек, «Рўзгор битиклари» туркумидан иборат.

Шеър илмида синекдоха деб юритиш одат тусини олган:

**Ҳаёт бир най бўлди, дил чалар бўлди,**

**Менинг ҳар бир дамим йилчалар бўлди.**

**Қилдай белларингга етгунча, эй ой,**

**Жон ҳам нозик тортиб қилчалар бўлди.**

Шеърда ошиқ билан маъшук обра-



Mutolaa

ри шу қадар тиниқ, раван чизилмадики, натижада зукко ўқувчи бу жажжи манзумалар қатидаги бадий ҳақиқатлардан ўзига тегишли хулоса чиқара олади. Фардларда ҳам кўпроқ ҳаётнинг аёвсиз ҳақиқатлари ўз тажассумини толган. Шоир иккиликлари ҳаётӣ, бирор бир ўринда ортиқча гап

# «Дилга элтар йўллар менинг йўлимдир»



Китоб «Тўртликларим» шеъри билан очилади. Тўртликлар шартли йўсинда алоҳида номлар билан олти фаслга ажратилса-да, уларни бир ўзанда бирлаштирувчи муҳим омил мавжуд. Шеърларнинг деярли барчасида шоир турмушда кўрган-кечирган, билган ва ашитган воқеалар қофияланади. Бошқача айтганда, шахсий кечинмалари ва кузатувларини бадий синтез шаклида китобхонга туҳфа этади.

Сирожиддин Саййид ижоди бугунги миллий шеърятимизда ўзига хос нодир ҳодиса экани аён. Унинг, айниқса, кўҳна аруз оҳанглирида битган асарлари ҳар бир шеърят муҳлиснинг қалбидан муносиб жой олган. Назаримда, тўртликлари ҳам мумтоз шоирларимиз ижодида, айниқса, Умар Хайём, Захриддин Муҳаммад Бобур, Паҳлавон Маҳмуд рубоийларига айрича муҳаббатнинг, ворисийлик бурчи ва маъсулятининг натижаси янглиғ битилганга ўхшайди.

Халқ шоири оддий рўзгор буюмидан тортиб чексиз коинот жисмларига — ҳаракатдаги материядан сержило поэтик манзара яратади; чин ошиқни кафтида асрайди, уни ишқдан жуда йироқда бўлган сўкир кимсаларга ўрнак қўрсатади. Бевафодан ранжийди. Тўртликларда автобиографик унсурларни ҳам кузатамиз. Баъзи тўртликлари паноҳида устозларига, маслакдош дўстларига, шоғирдларига меҳр улашади. У ўзини рухлантирган, тўлқинлантирган ҳодисаларни, худдики, ўқувчига ҳам сўйлаётгандай, ўзи шик қилган ноёб кечинма ё туйғуларни илминаётгандай бўлади. Улардан чексиз завқ ва маърифат ёғилади:

**Мен демасман бағри куйган доғ бўл,**

**Не буюрса матлабинг андоғ бўл.**

**Ер бўлиб мен, кимсалар том**

**қилсалар,**

**Сен шу томга лолақизгалдоғ бўл.**

Ошиқнинг ўзини «ер», «том» деб ифодалаши камтарлик ва хокисорлик аломати. Лолақизгалдоғ — истиора. Буни ҳеч иккиланмасдан ишқ навосидаги оҳорли, янги парда дея оламиз.

Сирожиддин Саййид — дил шайдо-си. Унингча дил қалб ва кўнгилга нисбатан анча устун. Шу боис ҳам шоир дилга дилин бўшатмиш, гоҳида эса маъ-

навий озуклантириш манбаи сифатида кўп мурожаат қилади. «Дил букун, бошдин оёғим дил букун» дейди шоир. Унинг учун дил — юпанч, дил — суянч, дил — ўкинч, айна пайтада соғинч ва кувонч ҳам, фиروق ҳам шу. Заъфарон зардобга тўлган оғрикли нуқтаси ҳам айнан шу дилнинг ўзидир.

**Кўксим ичра йиғлаюр кизғиш ҳазон,**

**Ўртаниб чеккан фиروعим дил бу кун.**

Шоир тўпламларидан бирининг «Дил фасли» деб номланиши ҳам фикримиз исботи. Шунингдек, у дилга ҳамоҳанг тарзда она ва аёл мадҳида ҳам қўйилмақом ифода бирикларини қўллаган:

**Дилга элтар йўллар менинг йўлимдир,**

**Дарди бор ҳар кўнги менинг кўнглимдир.**

**Муштипар ҳар аёл онамга ўхшар,**

**Кўнгли ярим ҳар қиз менинг синглимдир.**

Шоирнинг ўз яқинларига самимий эҳтироми ҳақида сўзлаган эдик. «Катта ҳодиса» шеърда шоир Шодмонкул Саломга айрича эҳтиром қўрсатади. Бироқ шеърдан мурод бу эмас, унда муаллифнинг адабий жараёнга берган ҳолис баҳоси ўз тажассумини топган:

**Дил боғин гоҳ тикан, гоҳи гул кўрдим,**

**Гоҳ булбул, гоҳида қирговул кўрдим.**

**Барча شوҳу вазир шеър аҳли аро,**

**Ёронлар, мен бу кун шодмон кул кўрдим.**

Шеърда тасвирий воситалар юксак маҳорат билан қўлланган. Гоҳ — такрор; тикан ва гул — тазод; ёронлар — китоб (мурожаат манбаи); гул, булбул ва қирговул ҳамда شوҳ, вазир ва кул — таносиб (мантқий алоқадаги сўзлар) санъатини юзага чиқарган. Шунингдек, шодмон кул — кўнлинг шод-хуррам юрганидан ташқари шу ном билан ижод қиладиган замондош шоир Шодмонкул Саломнинг исми-шарифига ҳам ишора қилади. Бадийат илмида буни иттифоқ санъати дейдилар. Умуман, шеърӣ санъатлар поэтикасини Сирожиддин Саййид ижоди мисолида кузатиш ниҳоятда мароқли. Айниқса, тўртликларда аънавий ташбех, талмеҳ, тамсил ҳамда муболагадан ташқари, тазод ва тажнини барча турлари чунонам гўзал ифода топадики, ўқувчи гоҳ шеърнинг асосий мазмуни ва гоҳидан чалғиб, шаклий жимжимага ошуфта бўлиб қолади.

Мумтоз шеърятда ана шундай бадий тасвир усули ҳам борки, шоир маъшуканинг дудоғи, бели ёхуд холин таъриф-тавсиф этиш орқали, аслида, унинг ўзини, ўхшаши йўқ қаддиқоматини тараннум этган бўлади. Сирожиддин Саййид тўртликларига ҳам ҳол, зулф, соҳ, дудоғ, қабдо... ёр жамолининг турли маҳзанлари орқали маъшуканинг беқиес талъати улуғланади. Қуйидаги тўртликда «қилдай бел» воситасида манзурнинг ўзи, бутун буй-баста тавсиф этилдики, буни

зи аниқ қизиқ берилган. Маъшуканинг бепарволиги туйғули ошиқ руҳий изтиробда. Шу боис жон нозик тортиб, ингичкалашиб, худди қилга ўхшаб қолган. Белнинг қилга қиесланиши миллий шеърятимизда аънавий ҳодиса, бироқ ошиқ жонининг қилга менгизилиши шоирнинг тамомила янгича кашфиёти. Шеърда бошқа тасвир воситалари ҳам бор. Аммо синекдоха тасвирнинг бош воситаси даражасига қўтарилган.

Тўртликлар орасидан гоҳ шоирнинг жамиятимиздаги айрим иллатларга қарши норизо оҳанги ҳам эшитилади. Уларда чин истеъдодлар четда қолиб, олқиш олаётган ўртамеъна шоир ва хонандалар; айрим ёшларнинг она юртини ташлаб, ўзга ўлкаларда сарсон кезиши, йигит ва қизлар кийимларини «алмаштириб» кийиши, «хотинлари қаллоб, эрлари қазоб» кимсалар, олтин эгарларнинг баъзида эшакларга насиб этиши, бургут ва лочиннинг читтакма тазим қилиши ва бошқа шу каби ижтимоий нуқсонларни шоир юмор тилида кескин фош этади.

Шоир тўртликлари таркибида **ғизо, ком, тараҳҳум, тўбо, тийрамоҳ, рафтор, гуфтор, равазан, зеру забар, кийлу қол, маху сол** ва бошқа шу сингари форсча-арабча сўз ва сўз бирикмалари ҳам мавжудки, уларнинг маъзани чакмоқ учун ўқувчи махсус луғатларга мурожаат қилиши керак. Демокчиманки, ёш тадқиқотчилар Сирожиддин Саййид шеърятининг ботинига чуқурроқ киришни истаса, мумтоз адабий асарлар луғатидан фойдаланиши лозим. Акс ҳолда, шеър бағридаги турфа ўй, маърифат ва ҳақиқат сирлари пинҳонлигича қолиб кетаверади.

Энди иккиликлар ҳақида икки оғиз. Шеърнинг бу шакли мумтоз адабиётда кўп учрайди. Замонавий шеърятда унча фойдаланилмайди. Бу зукколик, билимдонликнинг олий намунаси бўлиб, унга кўпроқ тажрибали шоирлар мурожаат қилади. Иккиликнинг ҳажми кичик бўлгани билан талаби оғир. Сабаби — шоир шаклда ихчамликка эришгани сайин, маънода имкон борича юксакликка интилади. Ойбек домла айтган «фикр қаймоғи» деган машҳур ибора кўпроқ ана шу иккиликларга тегишли. Сирожиддин Саййид фардларнинг асос-неғизини пайди-насиҳат, огоҳлик ва шукроналик мотиви ташкил этади. Бироқ бу фикр иккиликларнинг мавзу кўлами фақат шулардан иборат экан-да, дегани эмас. Уларда инсоният маънавий-руҳий оламининг бетакрор манзарала-

тўқмайди. Ҳаётда қандай бўлса, шу ҳолича тасвирлашга эришади:

**Ўтти эллик чоғ умрдин, кузга етти энди иш,**

**Боглар ортидан оғир-оғир яқинлашмоқда қиш.**

Бу шеър муаллифнинг ўзи ҳақида. Агар инсон умрини рамзий маънода тўрт фаслга қиесласак, элликдан сўнг куз, олтинчи ё еттишдан сўнг эса қиш келади. Демак, шеър шоирнинг эллик ёшдан ўтганидан хабар бермоқда.

Сирожиддин Саййид ижодининг сарчашмаси, назаримда, икки асосий ирмоқдан баҳра олади. Бирини — мумтоз шоирлар мавросидан илҳомланиш бўлса, иккинчиси замондош устозлар, айниқса, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърятидан баҳрамандлик шоирга бўлиб асарлар ёзишда туртки беради. Шоир шеърларини ўқиганида, ана шу икки омилнинг таъсири аниқ-равшан сезилади.

«Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом» китобчаси мутолааси бизга муаллифнинг ҳазил-мутойибага мойил санъаткорлигидан ҳам дарак беради. Китобнинг «Рўзгор битиклари» фасли бутунча ҳазил-мутойибага йўғрилган. Унда муаллиф рўзгорнинг таъриф-тавсифини келтириш билан эр-хотин муносабати, аниқроғи, оила мустақамлиги ҳақида қалам тебратлади:

**Қулогимда бир умр жаврадин:**

**Гўшт... картошка...**

**Айланиб қолдим, хотин, охир ўзим кар тошга.**

Мисра ё байтда бир сўз туркуми (от ё сон) кетма-кет қўлланса, уни таъдид санъати дейдилар. Юқорида озуқа маҳсулотлари(от)нинг изма-из қўлланishi шундай санъатни юзага чиқарган. Шунингдек, «картошка» билан «кар тошга»нинг шаклдошлиги тажнис санъати га ёрқин мисолдир.

Шунингдек, китобдан ўрин олган расмлар ҳам шеърларга қаламга олинган ижтимоий-фалсафий гоғлар тараннумини юзага чиқаришда қўшимча восита бўлиб хизмат қилади. Шам, кўза, китоб, камон, анор, узум, ой, қуёш, тандир, қалам ва шу каби расм-портретлар ўқувчига турмушнинг кўза ва онг илгамас бир неча бўлақлари сифатида инъом этилади. Улар ёрдамида борлиқнинг нақадар гўзал ва мазамдорлиги, инсон эса бунга ўз вақтида эътибор қилмаслигига ишора қилинади. Яъни, мусаवीр гоёси шоир ниятлари билан уйғунашиб, бизга турмуш икки-чирлари ва хузур-ҳаловатидан сабоқ бераётганга ўхшайди.

Сирожиддин Саййид ҳамиша янги сўз, янги шеър иштиёқи билан ёнади. Бунинг учун шоир Ҳазрат Алишер Навоий мангу кўним топган гўшани юз бор тавоф этишга тайёр:

**Сўз изидан энг охири фарёдгача кетгаймен,**

**Мажнунгача, тоғлардаги Фарҳодгача кетгаймен.**

**Бу дунёда менинг шеърдан ўзга от-уловим йўқ,**

**Сўз изидан мен пиёда Ҳиротгача кетгаймен.**

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,  
филология фанлари номзоди

Хар бир боланинг яхши ўқиб, дарсларни ўз вақтида тайёрлашида унга яратилган қулай шароит ва уйдаги дарс столи муҳим аҳамиятга эга. Фарзандингиз мактаб оstonасига қадам қўйиб, унинг учун биринчи кўнгирак чалингани ҳамоноқ бу масала устида бош қотиришингизга тўғри келади. Дарс тайёрлаш учун шароит қандай бўлиши керак? Бу борада аниқ тасаввурга эга бўлмаган ота-оналар учун қуйида энг зарур тавсияларни ҳавола этамиз.

Ишни «дарс тайёрлаш бурчаги»га мос келадиган жойни тўғри танлашдан бошланг. Албатта, бунда эътиборга олишингиз керак бўлган жиҳатлар кўп. Энг муҳими, сиз танлаган жой фарзандингизнинг хотиржам дарс тайёрлашига қулай бўлсин.

### Ўқувчи столини қаерга қўймаслик лозим?

**Ошхона.** Бу ер кенг ва шинам бўлса-да, дарс тайёрлаш учун ноқулай ҳисобланади. Ошхона — бу нафақат таом тайёрланадиган, балки доим бирор ким билан ўтириб, чой устида суҳбат қуриладиган, айрим оилавий муаммолар ҳал этиладиган галаговур жой ҳамдир. Бундай хонада бола истаса-истамаса диққати бўлиниб, дарс тайёрлай олмайди.

**Эшик олди-чи?** Бу фикрдан дарҳол воз кечинг. На эшик олдида, на эшикка сунган ҳолда дарс тайёрлаб бўлади. Бу бола учун психологик ноқулайлик ҳам туғдиради.

**Икки қаватли кароват таги.** Бир неча квадрат жойни тежайман деб, фарзандингизни ноқулай шароитда дарс тайёрлашга мажбур қилманг. Бу ерда бола ўқиш-ёзишни истамайди, қолаверса, билим олишдан бутунлай кўнгли совиб кетиши мумкин. Билсангиз, психологлар икки қаватли кароватнинг пастки қаватида ҳатто ухлашни ҳам тавсия этмайди. Боиси, тепадан тушадиган босим бола учун ноқулайлик келтириб чиқаради, табиийки, дарс тайёрлаш жараёнида ҳам шундай.

**Кўшни хонадан кўриниб турувчи хона марказига.** Бу айниқса телевизорга мўқасидан кетган ота-оналар учун қулай. Кўшни хонада ўтириб, фарзандингизнинг нима билан машғуллигини бемалол кузатиб турсиз. Бироқ унинг ўзи бунга нима деркин? Аслида болалар хонанинг панароқ жойида ўз шахсий дарс столига эга бўлишни хоҳлайди. Бу жой бироз бўлса-да кўздан йироқ бўлгани маъқул. Ахир ҳар қандай иш жараёни айниқса, боланинг дарс тайёрлаши учун хотиржамлик керак.

Боланинг дарс столи учун дуч келган жой тўғри келаверида, дейдиганлар қаттиқ янглишади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бола умуртқаси, хусусан, гавдасининг тўғри шаклланишида у уйга вазифаларини тайёрлайдиган стол ва стулнинг шакли муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, боланинг орақсида девор бўлиши ва хонага кирган ҳар қандай кишига бирдан кўзи тушиши лозим. Ҳеч бўлмаганда, бошини чап ёки ўнгга бурганида, дарсхонага кирган одам кўриниши керак. Бу пайтда бола орақсига ўгирилиб қарашга мажбур бўлмасин.

Иккинчидан, боланинг дарс столига киши кўзи тушмайдиган бўлиши маъқул. Бу шароитни мебеллар ёрдамида ёки алоҳида хона ажратиб орқали яратиб бериш мумкин. Шунингдек, столини очик жавон билан тўсиш ёки уни иссиқ айвонга ўрнатиб бериш ёхуд бола ётоқхонасининг ўзида шинам жой ҳозирлаш ҳам мумкин.

Учинчидан, столини пардали дераза олдида жойлаштириш — энг ажойиб танлов. Бордию кундузи деразадан кўзга нур тушса, шуъла компьютер мониторидаги тушиб, қуришга ҳалал бериша, у ҳолда столини бироз чап ёки ўнгга олиш кифоя.

Тўртинчидан, кундузги ёруғлик дарс тайёрлаш учун энг табиий муҳит ҳисобланади. Фарзандингиз ўнақай бўлса, демек, ёруғлик чап томонидан тушиши, агар чапақай бўлса, аксинча бўлиши зарур.

Бешинчидан, дарс столини телевизордан узоқлаштиринг! Бола телеви-

зордаги олди-қочди дастурларга қалғиб, билимларини мустаҳкамлаш, қўшимча ўқиб-ўрганиш, янги мавзунини ўзлаштириш фурсатини бой бермасин. Бу боланинг кўриш қобилияти паса-йишига ҳам олиб келади. Дарсларни бажариб, телевизор томоша қилишга рухсат берганингизда ҳам камида 3-4 метр узоқда ўтиришини назорат қилинг.

### Уйингизда дарс тайёрлаш учун жой ҳақиқатан ҳам муаммо бўлса, унда нима қилиш керак?

**Бола учун кўтариб қўйилган стол сотиб олинг.** Бироқ уни ҳам чеккароққа қўйиб беришни унутманг.

**Агар фарзандингиз икки нафар бўлса,** жойни тежаш учун уларнинг столини пардадевор ёки очик жавон билан бирлаштириб беринг.

**Кенгайтирилган деразаточка.** Кичик уйларда, кўпинча, шу усулдан фойдаланилади. Бунда деразаточка кенгайтирилади, чўзилади ва унга мос баланд, қулай стул қўйилади. Қарабсизки, фарзандингиз учун дарс тайёрлаш бурчаги тайёр!

**Бурчакдаги кичик стол.** Катта бўлмаган уйлар учун айти мудоао. Унга ортқича тоқчалар ҳам ҳалал бермайди.

Тўғри, тасаввур ёрдамида жойни зоналаштириш ва столи хонанинг исталган қисмига ўрнатилиши ҳам мумкин. Аслида болалар хонасининг турли қисмида зоналашган ҳудуд яратиш — бу гаройиб дизайн ва қулайлик демек.

**Стул-трансформер.** Бироз қимматта тушиши мумкин, аммо ёмон танлов эмас. Бунинг учун иш столи устини кенгайтириб, боланинг оёқлари бемалол туришини инобатга олинг.

**Мебель танлаш.** Дўконга бориб, исталган столини харид қилишнинг ўзи қамлик қилади. Стол болангизга ҳар томонлама мос келсин. Хўш, бу борада мутахассислар фикри қандай? Улар доимгидек ўз тавсияларини аниқ рақамлар билан асослайди:

- Столнинг тагидаги бўш жойининг эни 50 см, бўйи 45 см дан кам бўлмасин.

- Стол юзаси 160x70 см бўлсин.

- Столнинг стул жойлашадиган томони боланинг кўкси даражасида бўлиши, оёқлари стол тагидаги бурчакка етиб туриши лозим. Унутманг, фарзандингизнинг тирсаклари столга тиралиб, елкалари эса стол юзасига тастдан тақалмаслиги керак.

- Столга мос стул танланг.

- Стол экологик тоза материалдан ясалган, юза қисмига эса лок-бўёқ суртилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

### Ўлчамлар жадвали:

- 110—115 см бўйли бола учун стол баландлиги 46 см, стул 26 см;

- 115—130 см бўй учун стол баландлиги 52 см, стул 30 см;

- 130—145 см бўй учун стол баландлиги 58 см, стул 34 см;

- 145—160 см бўй учун стол баландлиги 64 см, стул 38 см;

- 160—175 см бўй учун стол баландлиги 70 см, стул 42 см;

- 175 см дан баланд бўлиши болалар учун стол баландлиги 76 см, стул 46 см бўлиши керак.

### Стул танлаймиз!

Ўқувчи учун стул харид қилган маъқулми ёки кресло? Шубҳасиз, бола учун креслода ўтириш анча қулай. Бундан ташқари, креслонинг баландлиги ҳамда сунячиқларининг қиялигини мослашти-

# Ўқувчининг дарс столи у қандай бўлиши керак?



риш мумкин. Алоҳида моделларда ҳатто оёқ қўядиган жойи ҳам мавжуд. Бироқ стул ёки кресло харид қилишдан қатъи назар, уларни танлаш мезонлари бир хил:

- Бордию кресло танлашга қарор қилган бўлсангиз, у ҳолда ортопедик хусусияти борини олинг.

- Чидамлилигига алоҳида эътибор қаратинг.

- Буларнинг орқа соҳаси стулга тақалиб туриши кераклиги боис, ўриндиғи қаттиқ ва текис бўлиши айти мудоао. Бу умуртқаларга тушадиган босимни камайтиради.

- Стул ёки кресло табиий тоза материалдан ишланган бўлиши зарур. Фарзандингиз саломатлиги учун маҳсулотнинг сифат сертификатини кўздан кечириб қўйинг.

### Ўқувчи учун яна нималар зарур?

- Китоб ва дафтарлар учун жавон ёки тоқча. Уларни боланинг қўли етадиган жойга ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

- Агар танлаган стилингиз очилмайдиган тортмалли бўлса, янада яхши. Бордию тортмалли бўлмаса, стол устига қўйиш учун бир жуфт тумбочка харид қилишингиз мумкин. Жуда чуқур ва катта тортмалари танланманг.

- Китоб мутолааса учун қулай восита — лаҳз олиб бериш ҳақида ҳам унутманг. У мактаб ўқувчисининг асосий «иш қуроллари»дан бири ҳисобланади.

### Бола иш столида компьютер бўлиши керакми?

Хозир ҳатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам компьютердан мустақил фойдалана олади. Аммо ҳеч бир бошланғич синф ўқувчиси болаларга компьютерда баҳарилмайдиган уй вазифаси бермайди. Ахир боланинг миясини компьютер билан банд этиш зарарли-да. Бу боланинг фақат дарсларни тайёрлаш сифатига эмас, балки қуриш қобилиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Агар фарзандингизга компьютер жуда зарур деб ҳисоблаётган бўлсангиз, ундан фойдаланишида меъёрни таъминланг. Аммо шунда ҳам компьютер боланинг иш столида турмасин.

Унинг компьютер ўйинларига берилиши ва ижтимоий тармоқларга кириб кетишига йўл қўйманг. Шунингдек, бола компьютер олдида тўғри ўтириши, экранга муайян масофа узоқликдан қараши лозим. Унутманг, бошланғич синфлар компьютердан кун давомида ярим соатдан ҳам камроқ фойдаланиши белгиланган.

### Дарс столини қандай лампалар билан ёритган маъқул?

Боланинг «иш жойи» учун аввало табиий ёруғлик — қуёш нури зарур. Шундай бўлса-да, столда лампа бўлиши ҳам фойдадан холи эмас. Фарзандингизнинг учун ёрқин, хавфсиз ва қулай лампа танланг. Агар у ўнақай бўлса, лампа стилининг чап томонида қўйилади.

- Лампа учун табиий ёруғликка ниҳоятда яқин бўлиши лозим. Бунда сарик нури 60—80 Вт чўғланма лампа энг мақбулдир. Энергия тежовчи оқ чироқли лампалар эса пулингизни тежайи мумкин, аммо фарзандингизнинг кўриш қобилиятини ёмонлаштиради.

- Люминесценция (газ, суюқлик ёки қаттиқ жисмининг совуқ ҳолда нур сочиши, нурланиши) асосида ишланган лампалар ҳам тўғри танлов эмас. У қўзларни толиқтиради.

- Боланинг кўзлари нозик бўлгани боис у тез чарчайди. Шунинг учун хонада шахсий лампадан ташқари, умумий ёриткич ҳам бўлиши лозим. Бу қандил ёки қўшимча чироқлар бўлиши мумкин.

- Бола учун муносиб стол лампасининг тузилишидаги асосий талаб элементларининг кам бўлишидир. Болада бежирим чироқнинг чиройли деталларига диққат қаратиш ёки уларни ўйнаш истаги пайдо бўлмасин. Шу боис ўйинчоқ кўринишидаги лампалар биринчи синф ўқувчиларига тўғри келмайди.

- **Хавфсизлик.** Бола столдаги лампани ўйнаб туриб, бехосдан синдириб қўймаслиги учун шишк ва зарбага бардошли бўлиши лозим.

- Стол лампасида «қалпоқча» бўлиши керак. У боланинг кўзига тўғридан-тўғри ёруғлик тушмаслигини таъминлайди.

**Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.**

2017-yil 11-noyabr, № 90 (9051)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика таълим маркази қайта ташкил этилиши муносабати билан бўш ўринлар бўйича қуйидаги йўналишларда методист лавозимларига ишга таклиф этади:**

Она тили ва адабиёт	2 та	Технология	1 та
Биология	1 та	Чизмачилик	1 та
Рус тили ва адабиёти	1 та	Чақириққача ёшларни тайёрлаш	1 та
Рус тили (миллий мактабларда)	1 та	Соғлом авлод асослари	1 та
Давлат ва ҳуқуқ асослари	1 та	Ҳаёт хавфсизлиги асослари	1 та
Тарих	1 та	Бошланғич таълим	1 та
Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	1 та	Информатика	2 та
Муסיқа маданияти	1 та	Дефектолог	2 та

**Даъвогарлар қуйидаги малака талабларига эга бўлишлари шарт:**

- а) олий педагогик маълумот;
- б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;
- в) беш йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажы.

**Аризалар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой давомда қабул қилинади.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фурқат кўчаси, 174-уй.  
Тел/факс: (0-371) 245-79-34; 239-16-02;  
e-mail: rtm@xtv.uz.

**Жумаев Расул Ахматовичнинг 06.01.09 — Усимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича «In vitro да яратилган паразит энтомофагларнинг гўза агробиопецидаги аҳамияти» мавзусидаги (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Қх.13.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 23 ноябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети. Тел/факс: (0-371) 260-48-00; e-mail: tuag\_info@edu.uz.**

**Бабдажонов Ойбек Абдужаббаровичнинг 14.00.11 — Дерматология ва венерология ихтисослиги бўйича «Розаца билан оғриган беморларда клиник-микробиологик параллеллар ва комплекс даволаш усулини такомиллаштириш» мавзусидаги (тиббиёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.29.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 24 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел/факс: (0-371) 262-33-14; e-mail: tashpmi@gmail.com.**

**Мақсудова Лайло Махсумовичнинг 14.00.08 — Офтальмология ихтисослиги бўйича «Кўз аъсосининг куйиши бўлган беморларни олиб боришга замонавий ёндашу (клиник-экспериментал тадқиқот)» мавзусидаги (тиббиёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 23 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (0-371) 150-78-25, 214-83-11, 150-78-28; e-mail: info@tma.uz.**

**Хамраева Гаҳар Хусановичнинг 14.00.08 — Офтальмология ихтисослиги бўйича «Кўрув нерви ялғизлигини касалликларининг клиник-таъхисий хусусиятлари ва комплекс даволаш асослари» мавзусидаги (тиббиёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 23 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (0-371) 150-78-25, 214-83-11, 150-78-28; e-mail: info@tma.uz.**

**Маматова Муборак Нуриддиновичнинг 16.00.03 — Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси ихтисослиги бўйича «Кутурни касаллигининг эпизоотологияси ва дондор антирабик вакцинани такомиллаштириш» мавзусидаги (ветеринария фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Чорвачилик, паррандочилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Қх/V.12.02 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 21 ноябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел/факс: (0-366) 234-33-20, 234-17-86; e-mail: saai\_info@edu.uz.**

**Саидов Абдусалом Шамуродовичнинг 02.00.03 — Органик кимё ихтисослиги бўйича «Изохинолин алкалоидлари ва уларнинг аналогларининг баъзи карбон кистоллар асосида синтези» (кимё фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 24 ноябрь кuni соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Физика факультети, 1-қават, мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 246-22-35, 246-61-44; e-mail: rector@niu.uz.**

**Чориев Азимжон Ураловичнинг 02.00.03 — Органик кимё ихтисослиги бўйича «Алмашинган метоксифеноларни хлоррацеттлаш ва хлоррацеттлаш маҳсулотлар асосида синтезлар» (кимё фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 24 ноябрь кuni соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Физика факультети, 1-қават, мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 246-22-35, 246-61-44; e-mail: rector@niu.uz.**

**Сулаймонов Отабек Абдушукровичнинг 06.01.09 — Усимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича «Оққанот (Aleyrodidae) биоэкологияси ва биоценозда хўжайин-энтомофаг муносабатларининг шаклланиши» мавзусидаги (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Қх.13.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 23 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети. Тел/факс: (0-371) 260-48-00; e-mail: tuag\_info@edu.uz.**

**Абдужабарова Зулфия Муратходжаеванин 14.00.09 — Педиатрия ихтисослиги бўйича «Ўзбек популяциясида целаксия билан оғриган болалар илгичка ичагида иммуногенетик ва структур-функционал ўзгаришларнинг клиник аҳамияти. Медикаментоз коррекциялаш» мавзусидаги (тиббиёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.29.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 24 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел/факс: (0-371) 262-33-14; e-mail: tashpmi@gmail.com.**

**Утамурадова Шарифа Бекмурадованин 01.04.10 — Ярим ўтказгичлар физикаси ихтисослиги бўйича «Т-ионли киришмалар билан легиранган кремнийда нуқсонли марказларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиш жараёналари» мавзусидаги фан доктори (DSc) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM./Т.34.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 20 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-Б уй. Физика-техника институти мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: iutp@uzsci.net.**

**Хонкулов Хусниддин Халиқуловичнинг 06.01.08 — Усимликкунослик ихтисослиги бўйича «Картошка урулик туғанакларини экишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Ph.D.27.06.2017.Қх.12.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 16 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел/факс: (0-366) 234-33-20, 234-17-86; e-mail: saai\_info@edu.uz.**

**Жураев Химматали Номозовичнинг 01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси ихтисослиги бўйича «Si ва C ваканциялари оқимида бор ва алюминийнинг кремний карбидига паст ҳароратли диффузияси» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM./Т.34.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 22 ноябрь кuni соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-Б уй. Физика-техника институти мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: iutp@uzsci.net.**

**Шарибаев Носир Юсупжановичнинг 01.04.10 — Ярим ўтказгичлар физикаси ихтисослиги бўйича «Яримўтказгичларда энергетик ҳолатларнинг зичлиги спекторларининг ҳароратга боғланишини моделлаштириш» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM./Т.34.01 рақамли илмий кенгаешнинг 2017 йил 22 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**

**Манзи: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-Б уй. Физика-техника институти мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: iutp@uzsci.net.**

Бу ёруғ дунёда биз учун азиз ва муътабар зот — муаллим ва мураббийлардир. Шу боис ҳар қайси инсон қалбида устозларга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини балкиб туради. Оқдарё туманидаги 4-мактабда болаларга физика фанидан дарс бериб келаётган Облоқул Бобобековни ҳам ўз касбининг фидойиси сифатида эл яхши билади.

## Ehtimom

### Касбининг фидойиси

Облоқул Бобобеков ўтган 37 йиллик меҳнати давомида физика дарсларини ҳаётга боғлаб ўтишни анъанага айлантган. Ўз вақтида мўъжазгина фотолаборатория ташкил этиб, ўқувчиларга дарсдан сўнг сураткашлик сирларини ҳам ўргатиб, кўп шогирдларини касб-ҳунар эгаллашга йўналтирган. Ўзи бошлаган ишида сон эмас, сифат муҳимлигини унутмасдан, ўқувчилардан дарсларни пухта ўзлаштиришни талаб қилди. Атрофидоғиларга ўрناк бўлиши сабабми, у киши иштирок этган давраларда таълим мавзуси устувор бўлади, бу борадаги тортишув, баҳс-мунозаралар янги гоғлар асосида дарсларни қизиқарли ташкил этишга, ўқувчиларнинг меҳрини қозонишга бориб тақалади. Қачон қарамайлик, фан кабинетидида масалалар ечиш, янги кўргазмаларни қуроллар тайёрлаш билан банд бўлади, лаборатория хонасида ўқувчилар қуршовида қайсидир физик ҳодиса моҳиятини ўрганаётган ҳолатда кўрамиз. Бу ёш ўқитувчиларга ибрат бўлади.

Ишига сидқидилдан ёндашадиган устоз билими, тажрибаси ҳамда ташаббускорлиги сабаб, мактаб директори этиб таъинланганида жамоада соғлом муҳитни шакллантиришга бошқош бўлди. Қадрдон қишлоғининг болалари ҳам замонавий шароитларда таълим-тарбия олишини истади. 2005 — 2008 йилларда икки қаватли мактаб биноси қурилишида жонбозлик кўрсатди.

У кишининг ёшларга хос ғайрат-шижоати, ўқувчиларга физика фанининг сирли оламини замонавий усулларда ўргатиши биз учун мактаб вазифасини ўтайди.

**Муҳиддин ЭШҚУВВАТОВ,**  
Оқдарё туманидаги 4-мактабнинг математика фани ўқитувчиси



Педагогика фанлари доктори, профессор Санобар Нишонова бутун кучи, ақл-идроки, билими ва зеҳни, қалб кўрини илм-фанга, шогирдлар камолига бахш этган куюнчак, камтар устоз сифатида ҳурмат қилишади. Илмий-педагогик мактаб яратган олиманинг ҳаёт йўли барча учун ўрнақдир.

### Шогирдлари ҳавас қилади

Ўрта мактабни тугатган Санобар Нишонова Самарқанд давлат университетида ўқишга кирди. Филология факультетида ўз даврининг етук билимдонларидан таҳсил олди. Дарсдан сўнг тил ва адабиёт тўғралади, илмий конференцияларда фаол иштирок этди.

Олий таълим муассасасини тамомлаб, **Elda aziz** ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик мактаб директори ўринбосари, директор вазифаларида ишлади. Интилувчан муаллима педагогика фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1988 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Умумий педагогика» кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, профессор вазифаларида фаолият юрди. Бу орада докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Қатор ўқув қўлланма, дарслик, монография, 300 га яқин илмий-методик мақолалар чоп эттирди.

Иш жараёнида устознинг ҳақ-ғўйлиги, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиши, зарур вазиятларда фикрини ишончли далиллаб бера олиши, кўпчилик манфаатини кўзлаб иш тутиши, гуруҳда ҳамжиҳатликни ўрнатиши бутун жамоа фаолияти самардорлигини таъминлашга ҳисса қўшди. Педагогика жонқуяри Санобар Нишонова фарзандларига ҳавас қилгулик тарбия берди. Бугун улар эл хизматидида камарбаста бўлиб, волдаси ишончини оқламоқда.

Айни пайтда устоз-педагог кесалик гаштини суриб, набираларига эзгулик йўлини кўрсатаяпти. Бой ҳаётий тажрибаси, юқори педагогик маҳоратини авлодлари камолоти йўлида сарф этаётган олимага қараб, унинг намунага муносиб умрига шогирдлари ҳавас қилади.

**Дилноз РЎЗИЕВА,**  
ТДПУ кафедр мудири,  
педагогика фанлари доктори,  
профессор

● **Хаёлот дунёсида яшаш**  
● **болаларга хос хусусида.**  
● **Гулжаҳон ҳам болалигида**  
● **хаёлот дунёсида олис**  
● **келажакка сафар қиларди.**  
● **Улғайса, ўқитувчи**  
● **бўлишни, ўқувчи ва тала-**  
● **баларга сабоқ беришни**  
● **жуда-жуда истарди.**  
● **Орзунинг қаноти бор,**  
● **деганларидек интилувчан**  
● **қизнинг ният ва мақсад-**  
● **лари бирин-кетин рўёба**  
● **чиқа бошлади.**

### Таълим билан боғланган ҳаёт

Педагоглар оиласида туғилган Гулжаҳон Жуманазарова мактабни тугатгач, Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти йўналишига ўқишга кирди. Халқ оғзаки ижодида ҳаваси ва қизиқиши кучли бўлгани боис талабалик йиллари шу йўналиш бўйича изланиш олиб борди. Бакалаврият, магистратура, сўнгра аспирантура босқичи кўз очиб юмгучча ўтиб кетди. 2008 йили «Ширин билан Шакар» достонининг луғавий ва лингвопозитик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳозир «Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти» кафедрасида фаолият юритмоқда.

Йигирма саккиз ёшида илмий даражага эга бўлган ёш олима халқ оғзаки ижоди йўлидаги изланишларини изчил давом эттирди. Тадқиқот ва қузатувларини жамлаб, 155 илмий ва илмий-методик ишини эълон қилди. Улардан учтаси монография, тўрттаси ўқув қўлланма, олтитаси илмий рисола, ўн биттаси тадқиқот ва изоҳли луғатлардан иборат. Муҳими, у ўзининг илмий мақолалари билан хорижда, жумладан, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Россия каби мамла-

катларда ўтказилган халқаро конференцияларда фаол қатнашмоқда. Гулжаҳон Жуманазарова 2016-2017 йиллари ёш олимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлари илмий-техника лойиҳалари танловида «Бошланғич синф ўқувчилари нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татиқ этиш» мавзусидаги лойиҳаси билан иштирок этиб, голиб бўлди.

Ёш олиманинг Фозил Йўлдош ўғли ижодини ўрганиш бўйича изланишлари «Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопозитикаси» мав-

зусидаги докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилиш билан яқунланди. Шу йилнинг 29 август кунин Гулжаҳонга филология фанлари доктори илмий даражаси берилди.

Гулжаҳоннинг бундай ютуқларга эришишида оилавий муҳитнинг ўрни катта. Отаси Умрзоқ Жуманазаров Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, филология фанлари доктори, профессор. Онаси Гулбаҳор Жуманазарова мактабда ёшларга сабоқ беради. Олиманинг синглиси ва укаси ҳам олий ўқув юрларида фаолият юритади.

— Биз оиламиз билан ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўлишга бел боғланганиз, — дейди Умрзоқ Жуманазаров. — Фарзандларимиз ҳам изимиздан бориб машаққатли ва шарафли касбни танлаган. Педагог деган номни улуглаш учун бор куч ва билимимизни аямаяпмиз. Мустақиллик шундай имкон берган экан, сулоламининг меҳнати «Ватан учун биз нима беряпмиз?» деган саволга амалий жавобимиздир.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Нафиса Давронова изланувчан педагоглардан. У ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширишда ноанъанавий методлардан самарали фойдаланади.

### Ҳар бир дарс — ижод маҳсули

— Дарс ўзига хос ижод, жонли жараён, — дейди Нафиса Давронова. — У педагогдан чуқур билим, тажриба ва ижодий ёндашуви талаб этади. Шу боис мунтазам малакамани ошириб, дарс ўтишининг янги шакл ва усулларини топишга интиламан. Машгулот жараёнида янги инновацион

ўйин ва бошқотирмалар тарқатилди. Бу орқали уларнинг мантиқий фикрлаш қобилияти ва ҳозиржавоблиги ҳам синовдан ўтказилди.

Ўқувчилар инглиз тилида қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш этишди. Йил фасллари, уй ва ёввойи ҳайвонлар, кийим-кечақлар ҳақида кун-технология, электрон дарс ишланмаси, чет тилида чоп этилган ўқув-услубий адабиётлардан кенг фойдаланаман. Мунтазам равишда инглиз тилида иншоолар танлови, очик дарслар ўтказаман.

Ёш педагогнинг 8-синфда «Тинчлигимиз посбонлари» мавзусида ўтган очик дарси шундай фойдали ва қизиқарли маълумотга бой бўлди.

Дарс давомида ўқувчилар чарчаб қолмаслиги ва зерикмаслиги учун

### Tajriba

далиқ турмушда кўп қўлланадиган сўзлар асосида сўхбатлар олиб борилди.

Кузатувчилар бу каби ноанъанавий очик дарслар ўқувчиларнинг мавзуга қизиқишини ошириб, улар қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини камол топишида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлашди.

**Адолат ФАЙЗИЕВА**



Содиқ ҲАКИМОВ олган сурат.

2017-yil 11-noyabr, № 90 (9051)

*Неча асрлардан буён инсоннинг ҳамроҳи, дўсти — от, шубҳасиз, жониворлар орасида энг вафодори ва ақллисидир. Учқур жонзот бизнинг характер ва кайфиятимизни тез илғайди. У гўё нигоҳларимиздан керакли маълумотни уқиб олади. Юрагимизнинг ҳар бир зарбини ҳис этади, сўзимизга қулоқ тутмади... У ўзига яқинлашган кишидаги кўрқув ёхуд ботирилкни дарҳол пайқайди. Айтишларича, от кучли ва дадил инсонларгагина бўйсунди.*

2017 йил 15 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори келгусидаги зарур ишлар, режаларни белгилаб берди. Мутахассислар от миниш са-

# Учқур саманлар клубида



Шунингдек, отлар қадимдан кишиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга, спорт ўйинларига ҳам жалб этилган. От пойғалари, чавандозлик мусобақалари тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Одамлар мароқ билан томоша қилиб, кўнгил ёзадиган бу мусобақалар бориб-бориб оммавий спорт турига айланди. 1900 йилда от спорти ёзги олимпия ўйинлари дастурига киритилди. Кўплаб мамлакатларда XX аср ўрталарига келиб спорт, туризм, гўшт ва қимиз олишга мўлжалланган от зотлари етиштириш йўлга қўйилди.

Катта майдон бўйлаб чопаётган саманларнинг дупури, кишаши отга меҳри бор инсонга завқ бағишлайди. Бундай чопагон отлар иштирокидаги пойғаларни томоша қилишнинг сурури ҳам ўзгача. Айни пайтга келиб, дунёнинг турли бурчакларида от спорти туркумига кирувчи — от чоптириш, конкур, отларни масофадан туриб югуртириш, вольтажировка (чопқир от устида бажариладиган чавандозлик машқлари), шунингдек, кўпқари, човгон мусобақалари оммалашган.

Диёримизда ҳам қадимдан отга муносабат, қизиқиш кучли бўлган. Буни фольклоримизда от билан боғлиқ қўшиқлар, маталу мақоллар, ривоятлар эртақлар кўплигидан ҳам билиш мумкин. Аждодларимиз от йигитнинг қаноти, дея таъриф бергани бежиз эмас. Мана шундай ижобий қарашлар бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган. Хусусан, 2012 йилдан юртимиздаги Республика олимпия захиралари спорт коллежиди иш бошлаган от спорти клуби ҳам ҳаваскор ва профессионал спортчилар билан доимо гавжум. Бу ерда ўнлаб йигит-қизлар конкур — отни тўсиқлардан сакратиш бўйича амалий билимларни эгалламоқда. От устида қаддини тик тутган ҳолда жонивор билан бирга эркин ҳаракатланаётган ўғил-қизларни кўриб, ҳавасингиз келади.

— От спорти бироз мураккаб

ва хавfli бўлгани боис болаларни 12 ёшдан қабул қиламиз, — дейди 20 йиллик иш тажрибасига эга мураббий Карим Мардонов. — Бу ёшгача болалар жисмонан ва руҳан от минишга тайёр бўлмайди. Отни жилловлаш учун яхшигина куч ва ботирилк талаб этилишини кўпчилик жониворга минмагунича билмайди. Шу боис, биз мураббийларнинг биринчи галдаги вазифамиз боланинг кўрқув ва ҳаяжонини йўқотиб, жониворни ҳис қилишга ўргатишдан иборат. Кейин аста-секин от чоптириш, тўсиқлардан сакратиш машғулотларини бошлаймиз. Одатда болаларни қобилиятига қараб 3-5 ойда мусобақаларга олиб борамиз.

Айтиш жоизки, от спорти юртимизга 1958-1959 йилларда кириб келганига қарамай, 1970 йиллардагина ривожлана бошлади. Ҳақ кезлари жaxon ҳамда Европа чемпионатларида давлатимиз шарафини ҳимоя қилган Мажон Исмоилов, Искандар Йўлдошев каби от спорти усталари ёшларга устозлик қилиб, бу соҳада ўзига хос мактаб яраттиришгани ҳам эътироф этиш керак. Вақт ўтиб, мамлакатимизда от спортини ривожлантириш ҳамда жaxon ареналарида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган маҳоратли спортчиларни етиштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу соҳада қилинган амалий ишлар самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, Президентимизнинг

ломатлик учун фойдали эканини таъкидлайди. Ота-боболаримиз тили билан айтганда, у юракни бақувват қилади. Айниқса, бола қаддини тик ривожланишида от спортининг ўрни катта. Сўнгги йилларда шифокорлар от спортини ногиронлиқни даволовчи комплекс муолажалар таркибига киритмоқда. Айтишларича, у ногирон болаларнинг ҳаракатларини тиклашга ёрдам беради. Биз ҳўқоқа қилаётган клубда ташкил этилган махсус от миниш гуруҳи машғулотларига ҳам 20 га яқин ногирон бола мунтазам қатнайд.

Клубда узоқ йиллардан бери от спорти билан шуғулланиб, миллий ва халқаро мусобақаларда голибликни кўлга киритаётган ўғил-қизлар талайгина. Улардан Мария Душинка, Шахло Жўрабоева каби ёшлар иқтидор ва маҳорат бобида тенгдошларига ўрناق бўляпти. 14 ёшли Отабек Баҳромбеков эса клубнинг чинакам фаҳрига айланган. Қатор мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб, тажриба тўплаётган ёш чавандоз Осие чемпионатининг саралаш босқичида муваффақиятли қатнашиб, келгуси баҳсларга йўлланма олди. Фалаба сари дадил интилаётган йигит ва унинг дўстлари майдонда от билан уйғунлик, руҳий бирлик ҳосил қилиш учун тинимсиз машқ қилмоқда.

**Ирода ТОШМАТОВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**



## КАННАВАРО ЯНА ГУАНЧЖОУДА

Футбол бўйича 2006 йилги жaxon чемпионати голиби, италиялик собиқ футболчи Фабио Каннаваро Хитойнинг «Гуанчжоу Эвергранд» клубини бошқаради, дея хабар тарқатди жамоа матбуот хизмати.



44 яшар мутахассис бразилиялик тажрибали мураббий Луис Фелипе Сколарининг ўрнини эгаллади. Сколари мазкур клубни қаторасига уч йил (2015, 2016, 2017) мамлакат чемпионига айланттирди. Каннаваро клуб билан неча йилга шартнома имзолагани

ва қанча маош звазига таклиф этилгани ошқор этилмаган. Эътиборлиси, Ф.Каннаваро «Гуанчжоу Эвергранд»да 2015 йилнинг ноябридан 2016 йилнинг июнигача ишлагани. Ҳозирга қадар Хитойнинг «Тяньцзинь Цюаньцзинь» клубини бошқараётгани.

## ЛОНДОН КОРТЛАРИДА

Дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси испаниялик Рафаэль Надаль Профессионал теннисчилар ассоциациясининг (АТР) ақуний турнирида қатнашмоқда.

АТР расмий сайтида келтирилишича, у австриялик Доминик Тим (4), болгариялик Григор Димитров (6) ва белгиялик Давид Гоффен (7) билан америкалик собиқ ракеткачи Пит Сампрас номи остида қортта чиқадиған гуруҳдан жой олди.

Немис спортчиси Борис Беккер гуруҳида эса швейцариялик Рожер Федерер (2), германиялик Александр Зверев (3), хорватиялик Марин Чилич (5) ва америкалик Жек Сок (8) ҳаракатланади.

Мазкур мусобақа 12 — 19 ноябрь кунлари Лондонда ўқазилмади.

## ЖЕФФРИНИНГ ИЛК ЮТУГИ

Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган марафонда кениялик Жеффри Кипсанг галаба қозонгани ҳақида «ТАСС» хабар берди.



У аънавий Нью-Йорк марафонда 42 км 195 м масофани 2 соат 10 дақиқа ва 53 сонияда ортда қолдирди.

Жеффридан кейин марафонда чизигини унинг ҳамюрти Уилсон Кипсанг (2:10.56) кесиб ўтган бўлса, унчи ўрин эфиопиялик Лелис Десис (2:11.32)га насиб қилди. Ж.Кипсанг илк бор мазкур нуфузли мусобақада галаба қозонмоқда, у 2015 йилда 10 000 метрга югуриш бўйича кумуш медалга эришган.

Хитин-қизлар ўртасидаги марафонда эса америкалик Шаллан Флэнаган (2:26.53)га тенг келадигани топилмади. Кениялик Мэри Кейтани (2:27.54) ва эфиопиялик Мамита Даска (2:28.08) кучли ўчликдан ўрин олди.

**3.ХОЛОВ тайёрлади.**

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

## Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кафедралар бўйича рўйхатдаги лавозимларга танлов эълон қилади

### «Либос дизайни» кафедраси

1. Доцент.
2. Катта ўқитувчи.
3. Ўқитувчи.

### «Дизайн» кафедраси

1. Доцент.
- «Педагогика ва касбий таълим» кафедраси

1. Доцент.
2. Катта ўқитувчи.

### «Дастгоҳли рангтасвир» кафедраси

1. Профессор.
2. Доцент.
3. Ўқитувчи.

### «Театр беаги рангтасвир» кафедраси

1. Доцент.
2. Ўқитувчи.

### «Маҳобатли рангтасвир» кафедраси

1. Профессор.

2. Доцент.

3. Катта ўқитувчи.

4. Ўқитувчи.

### «Миниатюра ва китоб графикаси» кафедраси

1. Катта ўқитувчи.
2. Ўқитувчи.

### «Ижтимоий фанлар» кафедраси

1. Профессор.
2. Доцент.
3. Катта ўқитувчи.

### «Тасвирий санъат тарихи ва назарияси» кафедраси

1. Катта ўқитувчи.

### «Амалий графика» кафедраси

1. Доцент.
2. Катта ўқитувчи.
3. Ўқитувчи.

### «Бадний қулол ва меъморий ёдгорликлар беагини таъмирлаш» кафедраси

### кафедраси

1. Кафедр мудири.
2. Доцент.
3. Ўқитувчи.

### «Ҳайкалтарошлик» кафедраси

1. Доцент.
2. Ўқитувчи.

### Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- институт ректори номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларининг нусхалари;
- илмий ва ўқув-методик ишлари, ҳисоботлар, ижодий ишлар рўйхати, ижодий ишлар фотоальбоми, каталоглар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида мазкур институтнинг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миронлоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: 255-96-67, 255-18-92.



## Болажон китоб ўқиса...

Кичкинтойлар тарбиячи ўқиб берган мисраларни жўровозда такрорлай бошладилар:


**Мен дунёни нима қилдим, ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим хоқон, ўзим султон, сен тахти Сулаймоним.  
Ёлғизим, ягонаам дейми, топинган қошонам дейми,  
Ўзинг менинг улуғлардан улугимсан, Ватаним...**

Болаларнинг жарангдор овози гўё борлиқни тутиб кетди. Тай-ёрлов гуруҳи тарбияланувчилари шеърни ёд олгач, тарбиячи Дилдора Отабоева уларга «Конституциямиз — бахтимиз қомуси» мавзусида кичик матн ўқиб берди. Сўнг Ватан ҳақида қизиқарли савол-жавоб ўтказилди.

— 295 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган муассасамидаги 14 гуруҳда машғулотлар аниқ режа асосида ташкил этилади, — дейди Шайхонтохур туманидаги 567-МТМ мудираси Мастура Мирсоатова. — Бадий ўқиш, инглиз тили, тасвирий санъат, рақс, гимнастика тўғарақлари фаолият юритмоқда. Машғулотлар тарбияланувчилар ёшига мос тарзда ташкил этилмоқда. Мисол учун, қўл моторикасини ривожлантирувчи машғулотларда "бинолар" ясалиб, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари тушунтирилади. Яқинда фаолиятини бошлаган кичик кутубхона ҳам тарбиячиларнинг машғулотларни қизиқарли ташкил этишида қўл келмоқда.

Богчада тарбияланувчилар нутқини ривожлантириш учун ўзига хос тажриба йўлга қўйилди. Яъни, кичик кутубхонада болажонлар ота-оналари билан бирга бадий китоб мутолаа қилади. Белгиланган жадвал асосида тарбияланувчилар «Ёқимли мутолаа» дақиқасини яқинлари даврасида ўтказишади. Эътиборлиси, кундан-кун кутубхонага келувчи бобо-бувилар сони ортмоқда. Улар томонидан МТМга китоб совға қилиш ҳам аънаъанага айланмоқда.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири



Бурхон РИЗОҚОЛОВ олган суратлар.

## Ma'rifat

ТА'СИ  
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бoш муharrир Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Indeks: 149, 150. G-1115. Tiraj 33822.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotiбиyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4436



«Ma'rifat»dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqriz  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:  
100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Navbatchi muharrir:  
Shodmonqul SALOMOV.  
Navbatchi:  
Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 00.10 Topshirildi — 02.20

123456